BIZNES DAILY

Экономическая газета
# Биржа
Иқтисодий газетаси

#74(2957)
27.09.2022

www.biznes-daily.uz

# Электротехника саноатидаги устувор вазифалар муҳокама қилинди



**Президент Шавкат Мирзиёев 26 сентябрь куни электротехника саноатидаги устувор вазифалар юзасидан йиғилиш ўтказди.**

Саноатда амалга оширилаётган модернизация натижасида электротехника тармоғи ҳам ўзгарди. Охирги беш йилда ишлаб чиқариш ҳажми 4,5 баравар ўсган. Бу маҳсулотларнинг сифати ошганини, бозори борлигини билдиради.

Шу туфайли экспорт ҳам 5 баравар кўпайган. Йил якунигача бу кўрсаткич 750 миллион доллардан ошиши кутилмоқда. 2017 йилда бу тармоқда экспортбоп маҳсулотларимиз 25 та бўлган бўлса, бу йил 200 тага етган. Фарғона, Самарқанд, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларидаги 11 та корхона илк бор ташқи бозорга чиққан.

Йиғилишда “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси раиси М.Юнусов тармоқдаги галдаги ишлар, келгуси йилларга мўлжалланган мақсадли кўрсаткичлар ҳақида ахборот берди. Айтиб ўтилганидек, бугунги кунда 1 миллиард 200 миллион долларлик 205 та лойиҳа амалга оширилмоқда. Янги маҳсулотлар ва эҳтиёт қисмларни маҳаллийлаштириш, 2023 йилда экспорт ҳажмини 1 миллиард долларга етказиш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари истиқболли лойиҳаларни қўллаб-қувватлаб, тармоқдаги устувор вазифаларни кўрсатиб ўтди.

– Маиший техника ишлаб чиқариш кўпайди дегани, бу – аҳолининг сотиб олувчанлик қобилияти ўсди, дегани. Охирги йилларда электротехника саноатимиз “қайта туғилди”. Энди уни янада ривожлантириб, ишлаб чиқаришни кўпайтириш, юқори қўшилган қиймат яратиш керак. Пировард мақсад – иш ўрни, – деди Шавкат Мирзиёев.

Таҳлилларга кўра, жаҳон бозорларидаги вазият икки йилда экспортни 1,5 миллиард долларга етказиш мумкинлигини кўрсатмоқда. Шунингдек, юртимизда 1 миллиард 300 миллион долларлик импорт бозори бор. Бу имкониятлардан муносиб улуш олиш учун маҳсулот, аввало, сифатли ва таниқли бўлиши керак.

Шу боис Президентимиз янги маҳаллий брендлар яратиш ва хорижий брендларни олиб келиш, маҳсулотларни шунга мувофиқ сифатли қилиб, харидорлар ишончини қозониш зарурлигини таъкидлади.

Мамлакатимизда ва атрофимиздаги бозорларда ярим ўтказгич ва электрон платаларга талаб 6 миллиард долларни ташкил этади. Шу боис бундай корхоналарни кўпайтириш, электроника ва микроэлектроника йўналишида илмий, тажриба-конструкторлик ва стартап лойиҳаларни молиялаштириш вазифаси белгиланди. Маиший техникаларни маркировкалаш, экспортни суғурталаш ва кредитлашни кенгайтириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Маиший техника бор экан, сервис хизматига талаб ҳам ҳар доим бўлади. Касб-ҳунар мактабларида ёшларни бу йўналишга ўқитиш уларни иш билан таъминлашда муҳим омил бўлиши қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 9 сентябрдаги фармонига мувофиқ, қайта тикланувчи энергия манбаларини кенгайтириш бўйича дастур қабул қилинди. Унда 34 мингта хонадон, вазирлик ва идораларнинг 6 мингта объектида шундай қурилмалар ўрнатилиши белгиланди. Аҳолига компенсация олиш, кредитни 3 йил ичида фоизсиз бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти яратилди.

Истеъмолчиларга муқобил энергия қурилмаларини етказиб бериш мақсадида Қашқадарёда кластер усулида корхона барпо этиш режалаштирилган. Йиғилишда ушбу лойиҳанинг бориши ҳақида ахборот берилди.

Маълумки, электротехника тармоғи мис билан боғлиқ. Сўнгги йилларда янги конлар ўзлаштирилиб, бу хомашёнинг захираси кенгайтирилди. Оҳангарон тумани ва Қарши шаҳрида мис кластерлари ташкил этилмоқда. Давлатимиз раҳбари бу корхоналарда хорижий бошқарувни йўлга қўйиб, чуқур қайта ишлаш лойиҳалари, илм ва инновацияни олиб кириш зарурлигини таъкидлади.

Келгуси йил бу йўналишда юқори қўшилган қиймат яратадиган 34 та лойиҳа ишга туширилиши қайд этилди.

Йиғилишда ҳокимлар ва тадбиркорларнинг таклифлари эшитилди.

**UZEX ҲАФТАЛИК ДАЙЖЕСТИ (19 – 23 СЕНТЯБРЬ)** 2

**МАҚСАДЛИ ИНДИКАТОРЛАР ТАҲЛИЛИ** 3

**ЦЭИР ОТМЕЧАЕТ РОСТ СПРОСА НА АВТО** 7

**ПЕРСПЕКТИВНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ** 8

Курс валют на 27.09.2022

| | |
|---|---|
| USD | 11048.28 |
| EUR | 10617.17 |
| RUB | 191.23 |
| CNY | 1542.11 |

**Президентимизнинг 2022 йил 28 августдаги “Мулк ҳуқуқининг дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш, мулкий муносабатларга асоссиз аралашувга йўл қўймаслик, хусусий мулкнинг капиталлашув даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони қабул қилинди.**

# Мулк ҳуқуқи қонун ҳимоясида

– Янги фармон билан мулкдорларнинг ҳуқуқлари кафолатлари янада мустаҳкамланди, – дейди Бухоро вилояти адлия бошқармаси бошлиғи ўринбосари Шуҳрат Тойиров. – Жумладан, хусусий мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқини бевосита ёки билвосита чеклашни назарда тутувчи, мулкий муносабатларда бозор иқтисодиёти тамойилларини тўлиқ жорий этишга тўсқинлик қилувчи бир қатор тартиблар, талаблар ва чекловлар бекор қилинди.

Турар-жойга бўлган мулкий ҳуқуқларни амалга ошириш соҳасида ҳам айрим ўзгаришлар бўлди. Турар-жойга нисбатан мулкий ҳуқуқларга ёки турар-жой мулкдори билан қариндошлик алоқаларига эга бўлмаган шахсларни ушбу турар-жойдан доимий рўйхатдан чиқариш учун уларнинг розилигини олиш амалиёти бекор қилинди. Суд томонидан турар-жойга нисбатан инсофли эгалловчи деб топилган жисмоний шахсдан ушбу турар-жойни унга нисбатан мулк ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб уч йил ўтгач натура шаклида талаб қилиб олиш тартиби ҳам мазкур фармон билан тугатилди.

2023 йил 1 январдан бошлаб Кадастр ва кўчмас мулкларни рўйхатдан ўтказиш интеграцион ахборот тизими (UZKAD) кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестри ҳамда кўчмас мулк объектлари ҳақидаги маълумотлар юритиладиган, маълумотларининг ҳақиқийлиги ва ишончлилиги давлат томонидан кафолатланадиган ягона ахборот тизими этиб белгиланди. UZKAD ахборот тизими билан кўчмас мулк объектларига оид маълумотлар юритилаётган барча давлат ахборот тизимлари интеграция қилинади ҳамда реал вақт режимида онлайн маълумот алмашинуви йўлга қўйилади. Кўчмас мулк билан боғлиқ битимларни расмийлаштириш ва давлат рўйхатидан ўтказиш UZKAD тизимидаги маълумотлар асосида амалга оширилади, кўчмас мулк ҳақида ушбу тизимда бўлмаган бошқа маълумотларни талаб қилишга йўл қўйилмайди, маълумотларнинг ҳаққонийлиги давлат томонидан кафолатланади.

Жисмоний ва юридик шахсларга солиқларни ҳисоблаш, нотариал ҳаракатларни расмийлаштириш, давлат хизматлари, банк, коммунал, суғурта ва бошқа оммавий хизматларни кўрсатишда кўчмас мулкка оид барча маълумотлар тегишли давлат органлари ҳамда хизмат кўрсатувчи шахслар томонидан UZKAD тизимидан олинади. Энг муҳими кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестрига киритилган ёзувлар ва кўчмас мулк объектлари бўйича “мулк тарихи”га оид маълумотлар жисмоний ва юридик шахслар учун очиқ бўлади ва Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали фойдаланиш имконияти яратилади.

Янги тартибда кредит таъминоти сифатида гаровга қўйилган мол-мулк белгиланган тартибда аукцион орқали сотилганда кредиторнинг розилигига кўра, сотиб олувчига мулкнинг қийматини уч йилгача бўлиб-бўлиб тўлаш ҳуқуқи берилади. Мулкка эркин эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва тасарруф этишни чеклаш, тақиқ қўйиш, мулкий ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни асоссиз рад этиш ёки бошқача ҳар қандай кўринишда мулкдор ёки унинг мулкий ҳуқуқларига таъсир ўтказиш таъқиқланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуни янги таҳрирдаги лойиҳасини, лойиҳада ушбу қонун қабул қилиниши муносабати билан Фуқаролик, Солиқ, Жиноят, Жиноят-процессуал, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекслар ва бошқа қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини тайёрлаш бўйича тегишли топшириқлар берилди. Мақсад эса мазкур фармон билан мулк ҳуқуқининг дахлсизлиги, мулкий муносабатларга асоссиз аралашув ҳолатларини тўлиқ тартибга солиш, жисмоний ва юридик шахсларни мулкка бўлган ҳуқуқларини тўлақонли таъминлашдир.

# UZEX ҳафталик дайжести (19 – 23 сентябрь)







**Ўтган ҳафта давомида, яъни, 19–23 сентябрь кунлари “Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси” АЖнинг барча савдо платформаларида 2 677,0 млрд. сўмлик товарлар сотилган бўлиб, бу аввалги ҳафтага нисбатан 2,2 фоизга камдир. Бунда сотувларнинг 81,0 фоизи биржа савдолари, 0,2 фоизи кўргазма-ярмарка савдолари, 18,6 фоизи электрон давлат хариддари ва 0,2 фоизи авторақамларнинг онлайн-аукционига тўғри келди.**

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари иштирокида тузилган битимларнинг умумий ҳажми 644,2 млрд. сўмни ташкил қилди. Давлат хариддари тизимларида ўтказилган электрон савдолар натижасида бюджет ва корпоратив буюртмачиларининг қарийб 102,4 млрд. сўмлик маблағлари тежалди.

Ушбу давр мобайнида онлайн аукцион орқали 1 518 та авторақамлар сотилди, сотилган давлат рақам белгиларининг умумий суммаси 4,2 млрд. сўмни ташкил қилди. Рақобатли савдолар натижасида битимларнинг 5,3 фоиз биринчи тоифадаги авторақамларга, 9,1 фоиз иккинчи, 5,5 фоиз учинчи, 7,4 фоиз тўртинчи, 21,0 фоиз бешинчи ва 51,6 фоиз олтинчи тоифа авторақамларга тегишлидир.

**Биржа савдолари**

Кўриб чиқилаётган даврда очиқ биржа савдолари орқали жами 2 169,3 млрд. сўмлик товар ресурслари сотилди. Сотувчи корхоналар маҳсулотларни тасдиқланган жадвалларга риоя қилган ҳолда биржа савдоларига қўйишди, шу жумладан:

**Суюлтирилган газ**

Биржанинг суюлтирилган газ бозорида нархлар пасайиши қайд этилди. Ҳафта давомида биржа савдоларига 4 175,0 тонна суюлтирилган газ қўйилди ва ундан 3 229,0 тоннаси, яъни, 77,3 фоиз қисми сотилди. Ўтказилган савдоларда ҳар куни ўртача 132 харидор иштирок этди. Суюлтирилган газ бўйича шаклланган кунлик ўртача нархлар маҳсулотнинг бир тоннаси учун 4 107,1 минг сўмдан 3 915,9 минг сўмгача, яъни, 4,6 фоизга пасайган.

Ўтказилган биржа савдолари натижасида суюлтирилган газ бўйича шаклланган ўртача ҳафталик нархи маҳсулотни бир тоннаси учун 3 995,4 минг сўмни ташкил этди.

**Пахта толаси**

Ўтган ҳафтада биржа савдоларида 1 988,0 тонна пахта толаси қўйилди ва ундан 1 926,0 тоннаси, яъни, 96,9 фоиз қисми сотилди. Ўртача кунлик сотув ҳажмлари 385,0 тоннани ташкил қилди. Барча навли пахта толасининг кунлик ўртача нархлари маҳсулотнинг бир тоннаси учун 24 786,0 минг сўмдан 22 186,4 минг сўмгача, яъни, 10,5 фоизга пасайганини таъкидлаш лозим.

**Омухта ем**

Ҳафта мобайнида биржа савдоларига 13 243,0 тонна омухта ем қўйилди ва ундан 11 462,0 тоннаси, яъни, 86,5 фоиз қисми сотилди. Омухта ем бўйича шаклланган кунлик ўртача нархлар маҳсулотнинг бир тоннаси учун 2 327,3 минг сўмдан 2 196,4 минг сўмгача, яъни, 5,6 фоизга пасайди. Ўтказилган савдоларда ҳар куни ўртача 132 та харидор иштирок этди.

**“ЎзРТХБ” АЖ PR бўлими.**

# Тошкент вилоятида туризм кластери ташкил этилади

**Нурафшон шаҳрида ўтказилган Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида давлатимиз раҳбари ҳудудга оид муҳим вазифаларга тўхталиб, туризм соҳасига ҳам алоҳида эътибор қаратди.**

Ундаги таҳлилларга кўра, сайёҳларнинг 80 фоизи Бўстонлиқ туманига боради. Бошқа туманларда шароит ва хизматлар паст даражада. Шу боис Паркент, Ангрен ва Оҳангароннинг тоғли жойларида туризм кластерлари ташкил этиш мумкинлиги кўрсатиб ўтилди.

Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган “Моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари миллий рўйхати”га асосан Тошкент вилоятида 828 та моддий маданий мерос кўчмас мулк объектлари мавжуд бўлиб, шундан 605 таси Республика, 223 таси моддий маданий мерос кўчмас мулк объектлари Маҳаллий аҳамиятдаги объектлар тоифасига киритилган.

Бу борадаги манзилларни туризм рўйхатига олиш бўйича тизимли ишлар қилинмоқда. 2022 йилда Тошкент вилоятида 15 та моддий маданий мерос объекти туризм маршрутига киритилди. Биргина, “Зангиота мажмуаси”, “Шоабдумалик ота” маданий мерос объектларида 2 та бепул Wi-Fi ҳудудлари ташкил этилди. Бундан кўзланган мақсад зиёратчиларга қулайлик яратишдир.

Таҳлиллар шуни кўрсатяптики, жорий йилнинг биринчи ярмида вилоятда 15 минг нафар хорижлик ва 1 миллион нафардан ортиқ маҳаллий сайёҳлар ҳудудга келган бўлиб, уларнинг асосий қисми маданий мерос объектлари ва музейларга келган. Шундан кўриниб турибдики охирги вақтларда туризмнинг мазкур йўналишига қизиқувчилар кўпаймоқда. Давлатимиз томонидан соҳани қўллаб-қувватланаётгани бу жараёнларни янада тезроқ ривожланишига туртки бўлмоқда.

Маълумки, Президентимиз раислигида 19 сентябрь куни ўтказилган мамлакатимизнинг ички ва ташқи туризм салоҳиятини янада ошириш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилишида ҳам муҳим вазифалар белгиланди. Шу асосида жойларда самарали иш бошланди.

Хусусан, бу йилда Оҳангарон туманида жойлашган “Шоабдумалик ота” зиёратгоҳида махсус туризм кластерини ташкил этиш режалаштирилган. Бунинг учун Тошкент вилояти Маданий мерос бошқармасининг бюджетдан ташқари жамғармаси ҳисобидан 6 миллиард 340 миллион сўм молиялаштирилади. Натижада мамлакатимизда биринчи зиёрат туризми кластери барпо этилади.

Ўз навбатида қайд этиш лозимки, жойлардаги объектларни сақлаб қолиш ва келажак авлодга етказиш мақсадида 588 та археологик объектлар ободонлаштирилиб, муҳофаза ҳудудлари темир панжаралар билан ўралмоқда. Улар орасида кўплаб ҳудуд аҳолиси биладиган Ангрен шаҳридаги бронза ва илк темир даврига оид қоятош суратлари, Юрий Гагарин, Пётр Чайковский ҳайкаллари, Флоренция мозаикаси, Пискент туманидаги “Авлиё ота” зиёратгоҳи маданий мерос объектлари танланган бўлиб, бошқарманинг тегишли хати билан Маданий мерос агентлигига тақдим этилган. Бу бўйича ишлар давом этмоқда.

Шу билан бирга, маданий мерос объектларининг бўш турган жойларидан самарали фойдаланиш мақсадида E-auksion электрон платформасига жойлаштирилди. Улар орасида “Ҳазрати Али”, “Самсарак шаҳар харобаси”, “Кўкбулоқ”, “Ийк ота”, “Оққушбобо” каби манзиллар бор. Шу ўринда айрим муаммо ва таклифларга ҳам тўхталиш ўринли бўлади. Бўстонлиқ туманидаги “Шайх Умар Вали Боғистоний”, Паркент туманидаги “Заркент ота”, Нурафшон шаҳридаги “Адҳам Сахоба”, Оҳангарон туманидаги “Увак ота”, Ангрен шаҳридаги “Улуғсоғ ота” диққатга сазовор жойларини таъмирлаш ва реставрация қилиш ишларини амалга ошириш зарур.

2022 йил охиригача Тошкент вилоятидаги 650 та маданий мерос объекти тарихий маданий экспертизадан ўтказилиши керак. Бу кўрсаткич айни дамда 500 тани ташкил этади. Ҳудудда жойлашган баъзи маданий мерос объектларида муҳофаза белгиси ўрнатиш мақсадида маҳаллий бюджетдан маблағ ажратилиб, ўрнатиш давом этмоқда. Ҳозир маданий мерос, жумладан, археологик ёдгорлик объектлари туман-шаҳарларда тарқоқ ҳолда маҳаллаларда жойлашган. Уларни сақлаш, муҳофаза қилиш бўйича ишларни ташкил қилишда қийинчиликларга дуч келяпмиз.

Мавжуд ҳолатдан келиб чиқиб, маҳалла раислари ўз ҳудудларида жойлашган шундай тарихий объектларни доимий назоратга олса, мақсадга мувофиқ бўларди.

# Пойтахтимизда жаҳон тўқимачилик бизнеси етакчилари йиғилади

**Жорий йилнинг 11-12 октябрь кунлари Тошкент тўқимачилик саммити ўтказилиши кутилмоқда. Шу муносабат билан тадбир ташкилотчиларидан бири "Ўзтўқимачиликсаноат" уюшмаси томонидан матбуот анжумани ташкил этилди.**

Таъкидланганидек, ушбу саммит Марказий Осиё миқиёсидаги жаҳон тўқимачилик бизнеси етакчилари ва мутахассисларини бирлаштирувчи бизнес платформа ҳисобланади. Саммитда жаҳон тўқимачилик бозорида янги мувозанат, янги иштирокчилар ва тенденциялар муҳокама қилинади. Тадбирда нуфузли ташкилотлар вакиллари, жумладан, UNECE, ITMF, IFC, USAID, GIZ, Forum for the Future, Amfori, Gherzi, Grosso Modo, WRAP,Alibaba.com, UIT (Франция текстиль уюшмаси) ташкилотлари вакиллари – Мария Тереза Писани, Кристиан Шиндлер, Норберт Бланк, Рейчел Беккет каби спикерлар ўз тақдимотлари билан қатнашади. Тақдимотлар "Блокчейн – тўқимачилик таъминот занжирининг рақамли инқилоби", "Fast Fashion тенденциялари ривожланиши", "Саноат 4.0 Рақамлаштириш" мавзуларида бўлиб ўтади. Унда иштирок этиш учун АҚШ, Корея, Сингапур, Хитой, Ҳиндистон, БАА, Бангладеш, Корея, Покистон, Марокаш, Миср, Франция, Германия, Италия, Испания ҳамда МДҲ давлатлари миллий уюшмалари, банклар ва молия институтлари, сертификатлаш компаниялари, хорижий брендлар ва ритейлерлар, харидорлар ва экспертлар, маҳаллий корхоналар таклиф этилган.

Тадбирнинг энг муҳим воқеаси сифатида Германиянинг халқаро ҳамкорлик жамияти ҳомийлигида Gherzi халқаро консалтинг ташкилоти томонидан тайёрланган "Ўзбекистон тўқимачилик саноатига оид мустақил ахборот" ва БМТ ЕИКнинг "2024 йилгача Ўзбекистон тўқимачилик саноатида барқарор рақамли савдодан фойдаланиш бўйича корхоналар салоҳиятини ошириш" лойиҳаси тақдимоти кутилмоқда. Делегациялар Фарғона водийси, Самарқанд ва Бухоро, Жиззах вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси тўқимачилик саноати салоҳияти билан яқиндан танишиш имконига эга бўлишади.

10-14 октябрь кунлари бўлиб ўтадиган "UzTextile Expo Куз — 22" халқаро тўқимачилик ва мода саноати кўргазмаси Тошкент тўқимачилик ҳафталигининг муҳим қисмидир. Кўп йиллардан бери у нафақат маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, балки дунёнинг бошқа мамлакатларидаги компания ва брендларни бир том остида йиғади. Марказий Осиё ва жаҳон етакчиларининг тўқимачилик саноатидаги ютуқлари ва инновацияларини бутун технологик занжир бўйлаб — ип-калавадан тортиб, тайёр кийим ва аксессуарларгача таништиради. Ўзбек пахтасидан тайёрланган кенг турдаги маҳсулотлар: ип-калава, газламалар, трикотаж матолар, тўқилмаган матолар, эркаклар, аёллар ва болалар кийимлари, пайпоқлар, ички кийимлар, трикотаж буюмлар, маиший тўқимачилик ва бошқа кўплаб маҳсулотлар намойиш этилади. Куз мавсуми кўргазмасида Туркия ва Беларусь ишлаб чиқарувчиларининг миллий павильонлари, шунингдек, Россия, Хитой ва бошқа мамлакатларнинг таниқли ишлаб чиқариш компаниялари иштирок этиши режалаштирилган. Профессионал ташриф буюрувчилар — маҳсулотларнинг улгуржи харидорлари кўргазмада имкон қадар самарали ва қулай ишлашлари учун шароит яратиш мақсадида махсус Байер дастури ҳам назарда тутилган.

**Ўз мухбиримиз.**

**Шу кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмиталарида бюджет маблағларидан фойдаланиш билан боғлиқ мақсадли индикаторлар ижросини кўриб чиқиш жараёни давом этмоқда.**

# Мақсадли индикаторлар таҳлили

Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси йиғилишида Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг шу йўналишдаги ахбороти эшитилди. Берилган маълумотга кўра, вазирликка бюджетдан ажратилган маблағлар асосан меҳнат бозорининг барқарор ва мутаносиб равишда бўлишини таъминлаш, аҳоли бандлиги даражасини ошириш, ишсизларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда меҳнат органларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, банд бўлмаган аҳолига сифатли хизматлар кўрсатилишини ташкил этиш ишларини молиялаштиришга сарфланиши режалаштирилган.



Қайд этилганидек, ҳозирги кунда иқтисодий фаол аҳоли сони 15,1 млн. кишини ёки меҳнат ресурсларининг 77,6 фоизини ташкил этади (ўтган йилга нисбатан 114,9 минг кишига кўп), шундан, меҳнат билан банд бўлганлар сони 13 773,6 минг киши бўлиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,9 фоизга (261,3 минг кишига) ортган. Расмий секторда банд аҳоли сони 6 074,4 минг кишини ёки банд аҳолининг 40,2 фоизидан иборат (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 4,1 фоизга ёки 240,6 мингга кўпайган). Норасмий секторда банд бўлганлар сони 5 690,3 минг киши ёки банд аҳолининг 37,7 фоизига етган (ўтган йилга нисбатан 8,2 фоизга ёки 507,5 минг кишига камайган). Хорижий давлатларга ишлаш учун кетганлар 2 008,8 минг кишини ёки банд аҳолининг 13,3 фоизини ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига (пандемия даврига) нисбатан 528,2 минг кишига ошган. Ишга жойлашишга муҳтож шахслар 1 326,6 мингдан иборат, ишсизлик даражаси иқтисодий фаол аҳолига нисбатан 8,8 фоизда бўлиб турибди (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 0,9 фоизга камайган). Ҳудудлар бўйича ишсизликнинг энг паст кўрсаткичлари Тошкент шаҳрида 6,5 фоиз, Навоий 8,1 фоиз, Тошкент 8,7 фоиз, энг юқори кўрсаткичлар Қашқадарё, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида 9,3 фоиздан кузатилган. Республика миқёсидаги ишсизлик 2021 йилда 9,6 фоиз, 2022 йил биринчи чорагида 9,2 фоизни ташкил этган. Жамоат ишлари дастури бўйича 82 602 нафар фуқаро ҳақ тўланадиган жамоат юмушларига жалб этилиб, жорий йилнинг биринчи ярмида режа 114,2 фоизга бажарилган. Бандликка кўмаклашиш дастури доирасида ярим йилликда 5069 та касбий-малакавий курслар ўтказилган ва режа 143,4 фоизга адо этилган.

Вазирликда амалга оширилган ишлар депутатлар томонидан тегишлича баҳоланиб, айрим камчиликларга ҳам тўхталиб ўтилди. Қайд этилганидек, вазирлик учун 2022 йилда давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 1 254,4 млрд. сўм маблағ кўзда тутилган бўлсада, шу йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, бюджет харажатлари ва ривожлантириш дастурлари учун 272,4 млрд. сўм маблағ ўзлаштирилган. Шу билан бирга, айрим индикаторлар, хусусан, жамоат ишларига жалб қилинган ишсизлар томонидан бажарилган ободонлаштириш ишлари кўрсаткичи SMART тамойилига унчалик мос эмас. Қолаверса, малакали ишчилар учун тўлдирилмаган иш ўринлари сони ортиб бормоқда.

Келгусида вазирлик бюджет маблағларидан фойдаланиш билан боғлиқ мақсадли индикаторлар бўйича кўзда тутилган харажатларни ўз вақтида молиялаштириш, мақсадли индикаторлар ижросини таъминлашда натижадорликка эришиш учун таъсирчан чораларни кўриш лозимлиги таъкидланди. Мавжуд муаммоларни тезкорлик билан ҳал этишга доир таклиф-тавсиялар берилди. Билдирилган барча фикр-мулоҳазалар инобатга олинган ҳолда кўрилган масала юзасидан қўмита қарори қабул қилинди.

**Замира ТОЖИЕВА.**

# Коррупцияга қарши курашиш — долзарб масала

**Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Адлия вазирлиги, Бош прокуратура ҳамда БМТ Тараққиёт дастури ҳамкорлигида, бир қатор халқаро ташкилотлар кўмагида "II Тошкент Аксилкоррупция форуми" бўлиб ўтди.**

Унда АҚШ, Корея, Гонконг, Малайзия, Латвия, Озарбайжон каби мамлакатларнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича органлари вакиллари, хорижий экспертлар, дипломатик корпус, вазирлик ҳамда идоралар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари иштирок этишди. Форумни кириш сўзи билан очган Олий Мажлис Сенати раиси Танзила Нарбаева жумладан, келгуси беш йилликда мамлакатимизда коррупцияга қарши курашишда эътибор қаратиладиган жиҳатларга тўхталиб ўтди. Унинг сўзларига кўра, ҳар қандай норматив-ҳуқуқий ҳужжат "коррупциядан ҳоли қонунчилик" тамойили асосида ишлаб чиқилади, коррупцияга қарши курашиш амалиётида тизимли превентив чоралар кучайтирилади. Шунингдек, коррупцияга қарши курашишга замонавий ахборот, хусусан, сунъий интеллект технологиялари жорий этилади ҳамда жамоатчилик назоратини олиб бориш қўллаб-қувватланади.

Форум давомида Ўзбекистонда ва дунё мамлакатларида коррупцияга қарши курашиш соҳасида амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинди, истиқболдаги янги лойиҳалар муҳокамадан ўтказилиб, ўзаро тажриба алмашилди. Хусусан, Корея ва Озарбайжоннинг коррупцияга қарши курашиш бўйича ваколатли ташкилот ва идоралари раҳбарлари, ЕХҲТ, Минтақавий мулоқот нодавлат нотижорат ташкилоти мутахассислари томонидан давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлигини таъминлашнинг самарали механизмларини яратиш, очиқ маълумотлардан фойдаланиш сингари йўналишларда маълумот тақдим этилди. Шунингдек, коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш методологияси ва усуллари, уларнинг коррупциявий олдини олиш ва яхлитлик тизимини сақлашдаги аҳамияти ҳақида сўз борди. Малайзия, Гонконг, Финляндия каби мамлакатларнинг вакиллари ва Жаҳон банки, БМТ ТД ва Европа Кенгаши экспертлари бу борадаги хорижий тажриба билан таништириб ўтишди. Ўз навбатида, мамлакатимиз Адлия вазирлиги масъуллари томонидан тақдим этилган маълумотда келтирилганидек, Президентимизнинг жорий йил май ойидаги қарорига мувофиқ, шу йил 1 сентябрдан бошлаб коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш 3 босқичда амалга оширилади. Биринчи босқичда давлат ташкилотлари ҳар бир функциясидаги коррупциявий хавф-хатарлар аниқланади. Иккинчи босқичда ҳар бир функция (муносабат)даги аниқланган коррупциявий хавф-хатар даражаси "паст", "ўрта" ва "юқори" ўлчовларда баҳоланган ҳолда давлат ташкилотининг коррупциявий хавф-хатарлари харитаси тузилади. Учинчи босқичда эса коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш натижалари юзасидан аниқланган коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш юзасидан идоравий чора-тадбирлар ишлаб чиқилади. Бу босқичда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш натижасида коррупцияга мойил бўлган муносабатлар электрон реестри лойиҳаси жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш учун ўн беш кундан кам бўлмаган муддатга "Eanticor.uz" веб-сайтига жойлаштирилади. Бундан ташқари, мазкур ишларни тизимли ташкил этиш мақсадида Коррупцияга қарши курашиш агентлиги билан биргаликда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш бўйича услубиёт тасдиқланган.

Умуман форум коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ишлар ва чоралар миллий ҳамда хорижий экспертлар, давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари томонидан очиқ мулоқот, ўзаро тажриба алмашиш тарзида қизғин муҳокама қилинди. Якунида коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш бўйича амалдаги сиёсатни янада такомиллаштириш, айни йўналишдаги чора-тадбирлар натижадорлигини баҳолаш ва сифатини ошириш, халқаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш бўйича таклиф-тавсиялар тайёрланди.

**Ойдин ЛАТИПОВА.**

BIZNES DAILY

# Биржа

#74(2957) 27.09.2022

- Биржа савдолари натижалари
- Биржа бюллетенлари
- Котировкалар, листинглар
- Танлов ва тендерлар
- Қимматли қоғозлар бозори иштирокчиларининг муҳим фактлари
- Банкротлик

**Кредиторлар диққатига!**

Янгиқўрғон туманлараро иқтисодий судининг 2022 йил 12-13 сентябрдаги 4-1604-2202/2384, 2385, 2386, 2453-рақамли ҳал қилув қарорларига кўра, **"Agro Select" МЧЖ** (306107819), **"Lyuks Plus 2020" МЧЖ** (308714710), **"Firdavs Flash Torg" МЧЖ** (307958993), **"Optimal shifo lyuks" МЧЖ** (306254447) соддалаштирилган тартибда банкрот деб топилиб, 3-тоифали суд бошқарувчиси А.Таджибаев тугатиш бошқарувчиси этиб тайинланди. Қарздорга нисбатан барча даъволарни эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида Наманган шаҳри, А.Навоий кўчаси, 72-уйда (тел.: 90-050-14-52) тугатиш бошқарувчиси томонидан қабул қилинади. Банкрот корхонани молия-хўжалик фаолиятини аудит кўригидан ўтказиш ҳамда қарздор корхона мол-мулкларини баҳолаш учун аудиторлик идоралари ҳамда баҳоловчилар ўртасида тендер танлови эълон қилинади. Танловда қатнашувчилар тугатиш бошқарувчисига эълон чиққан кундан бир ой муддатда ўз таклифлари билан мурожаат қилишлари мумкин. Банкрот корхоналарнинг муҳр ва тўртбурчак тамғалари қонунда белгиланган 3 кунлик муддат ичида суд бошқарувчисига топширилмаган тақдирда ҳақиқий эмас, деб топилади ҳамда бекор қилинади.

---

Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 20.09.2022 йилдаги 4-1001-2208/43248-рақамли ажримига асосан, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Фарҳод кўчаси, 21-уйда рўйхатдан ўтган **"Avazbek shams servis" МЧЖ** (СТИР 301661657)га нисбатан тўловга қобилиятсизлик иши қўзғатилган ва кузатув тамойили жорий этилган. Муваққат бошқарувчи этиб Б.Ш. Нуруллаев тайинланган. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади. Кредиторларнинг биринчи йиғилиши 2022 йил 24 октябрь куни соат 15.00 да Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Хадра мавзеси, 12-а уй манзилида (бинонинг иккинчи қаватида) бўлиб ўтади. (Вакил ишончнома билан қатнашиши шарт!)

**Маълумот учун телефон:** 95-788-43-13.

---

Ўзбекистон туманлараро иқтисодий судининг 21.09.2022 йилдаги 4-1502-2201/2165-рақамли ҳал қилув қарори билан Данғара туманидаги қарздор **"Dang'ara mehri dil" МЧЖ** (СТИР 206194572) соддалаштирилган тартибда тўловга қобилиятсиз деб эътироф этилиб, Нурматов Садулла Абдуллаевич тугатиш бошқарувчиси этиб тайинланган.

**Йиғилиш кун тартиби:**

1. Суд тугатиш бошқарувчи ҳисоботи.
2. Кредиторлар талаблари реестри.
3. Суд бошқарувчининг календарь иш режаси.
4. Тугатиш бошқаруви штатлар жадвали ва харажатлар сметасини тасдиқлаш.
5. Тугатиш жараёнига аудит ва баҳолаш идораларини тайинлаш.

Йиғилишга кредитор ўзининг шахсини ва ҳақдорлигини тасдиқловчи ҳужжат ёки унинг вакили ваколатини белгиловчи ишончнома билан қатнашиши лозим.

Кредиторларнинг йиғилиши 2022 йил 21 октябрь куни соат 10.00 да "Асакабанк" АЖнинг Қўқон шаҳар филиали биносида бошланади.

Қарздорнинг муҳр, тўртбурчак штампи, таъсис ҳужжатларини асл нусхалари тугатиш бошқарувчисига эълон чиққан кундан бошлаб 10 кунлик муддатда тақдим этилмаган тақдирда, бекор қилинган деб ҳисобланади.

Кредиторлар ўз талаблари билан 1 ой муддатда қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин.

**Мурожаат учун манзил:** Фарғона шаҳри, 150110, Янги аср кўчаси, 134-уй, 10-хонадон.

**Тел.:** 99-991-26-75, 90-390-67-77.

---

Жомбой туманлараро иқтисодий судининг 2022 йил 8 сентябрдаги ҳал қилув қарорига асосан Булунғур туманида жойлашган **"Evro Sam invest" МЧЖ** банкрот деб топилган ва тугатиш бошқарувчиси этиб Хасанов Олим Уролович тайинланган. Кредиторлар йиғилиши 2022 йил 24 октябрь куни соат 10.00 да Самарқанд вилоят ДСБ биносида бўлиб ўтади.

Суднинг ҳал қилув қарорига асосан банкрот, деб эътироф этилган жамиятнинг фаолиятига оид гувоҳнома ва низомнинг асл нусхалари, юмалоқ муҳр ва бурчак тамға эълон чиққан кундан 10 кун муддат ичида тугатиш бошқарувчисига топширилмаган тақдирда йўқотилган деб эътироф этилиб, бекор қилинган деб ҳисобланади.

**Мурожаат учун тел.:** 91-188-22-55.

---

Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 16.09.2022 йилдаги 4-1001-2218/45318-рақамли ажрими билан Учтепа тумани, Фарҳод кўчаси, 21-уй манзили бўйича рўйхатдан ўтган **"Glav qurilish beton invest" МЧЖ** (СТИР 305137229)га нисбатан тўловга қобилиятсизлик (банкротлик) тўғрисида иш қўзғатилиб кузатув жорий қилинган ҳамда муваққат бошқарувчи этиб Боликулов Беркин Холдорович тайинланган.

"Glav qurilish beton invest" МЧЖнинг биринчи кредиторлар йиғилиши 2022 йил 31 октябрь куни соат 11.00 да Яккасарой тумани, А.Қаҳҳор 9-тор кўчаси, 1-уй, 315-хонасида бўлиб ўтади ҳамда ушбу йиғилишда қуйидаги масалалар кўриб чиқилади.

**Йиғилиш кун тартиби:**

1. Кузатув жараёнида амалга оширилган ишлар бўйича муваққат бошқарувчининг ҳисоботи.
2. Кредиторлар талаблари реестрини тасдиқлаш.
3. Суд санацияси ёки ташқи бошқарув тартиб-таомилини жорий этиш ҳақида илтимоснома билан судга мурожаат қилиш.
4. Қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш ҳақида илтимоснома билан судга мурожаат этиш.
5. Кредиторлар қўмитаси аъзоларининг сони ва уларни сайлаш.
6. Санация қилувчи бошқарувчининг, ташқи бошқарувчининг ёки тугатувчи бошқарувчининг номзодларини маъқуллаш.
7. Муваққат бошқарувчига тўланадиган иш ҳаққи миқдорини белгилаш.
8. Қонунда назарда тутилган бошқа масалалар.

Кредиторлар томонидан билдирилган талаблар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой давомида Яккасарой тумани, А.Қаҳҳор 9-тор кўчаси, 1-уй, 315-хонаси манзилида қабул қилинади. Тел.: 99-888-00-83.

Кредиторлар вакили кредитор томонидан берилган ишончнома асосида шахсини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этган тақдирда кредиторлар йиғилиши иштирокчиси сифатида ҳисобланиб 31.10.2022 йил куни соат 10.30 дан бошлаб рўйхатга олинади.

---

Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 2022 йил 16 сентябрдаги 4-1001-2220/45333-рақамли иш ажрими билан Чилонзор туманида жойлашган **"Kondor-Sardor" МЧЖ** (СТИР 300564746)га, 4-1001-2220/45334-рақамли иш ажрими билан Яшнобод туманида жойлашган **"Liftkom-T" МЧЖ** (СТИР 205025917)га, 4-1001-2220/45335-рақамли иш ажрими билан Яккасарой туманида жойлашган **"Aziya proftrans" МЧЖ** (СТИР 301431791)га, 4-1001-2220/45336-рақамли иш ажрими билан Яшнобод туманида жойлашган **"Gold eko proyekt" МЧЖ** (СТИР 305373237)га ва 4-1001-2220/45337-рақамли иш ажрими билан Олмазор туманида жойлашган **"Top logistik servis" МЧЖ** (СТИР 207184465)ларга нисбатан банкротлик иши қўзғатилиб кузатув жорий этилган, муваққат бошқарувчи этиб, 1-тоифали суд бошқарувчиси Бакиров Соибжон Содиқович тайинланган.

Кредиторларнинг 1-йиғилиши 2022 йил 13 октябрь куни Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шоҳкўчаси, 75-уйда соат 11.00 дан бошлаб бўлиб ўтади.

**Йиғилиш кун тартиби:**

1. Туманлараро иқтисодий судининг тегишли ажримлари билан таништириш.
2. Кредиторлар талаблари реестрини тузиш.
3. Ўтган кунлар мобайнида олиб борилган ишлар юзасидан тугатиш бошқарувчисининг ҳисоботини эшитиш ва бошқа масалалар.

Кредиторлар йиғилишида кўриб чиқиладиган материаллар билан йиғилиш давомида таништирилиб борилади. Кредиторлар йиғилиши иштирокчиларини рўйхатга олиш йиғилиш бошланишидан 30 дақиқа олдин бошланиб, 5 дақиқа қолганда тўхтатилади.

Қарздорга нисбатан талаб билдираётган кредиторлар талабларни тасдиқловчи ҳужжатлар ва овоз бериш ҳуқуқини берувчи ваколатномалар асосида кредиторлар йиғилишида қатнашадилар.

**Мурожаат учун манзил:** Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Олтин водий кўчаси, 2/17-уй, тел/телеграмм: 99-321-08-45.

---

Боғот туманлараро иқтисодий судининг ҳал қилув қарорларига кўра қуйидаги қарздор фермер хўжалиги соддалаштирилган таомилга кўра банкрот деб топилиб, тугатишга доир иш бошланган. Тугатиш бошқарувчиси этиб Бабажанов Фаррух Қадамбоевич тайинланди:

| Т/р | Корхонанинг номи | СТИР | Иқтисодий суд қарор санаси | Ҳал қилув қарор |
|---|---|---|---|---|
| 1 | "Jumyoz Bobo Chamanzori" фермер хўжалиги | 305512370 | 15.09.2022 йил | 4-2203-2202/1447 |
| 2 | "Gulobodli Alijon" фермер хўжалиги | 304572813 | 22.09.2022 йил | 4-2203-2202/1448 |

Шу муносабат билан юқорида номлари қайд қилинган фермер хўжалигининг биринчи кредиторлар йиғилиши 2022 йил 28 октябрь куни соат 11.00 да Янгиариқ тумани ДСИ биносида бўлиб ўтади.

**Мурожаат учун манзил:** Урганч шаҳри, Ёшлик кўчаси, 21/4-уй.

**Йиғилиш кун тартиби:**

1. Тугатиш бошқарувчисининг ҳисоботи.
2. Кредиторлар реестрини тасдиқлаш.
3. Бошқа масалалар.

Юқоридагиларни инобатга олиб, сиздан хўжалик юритувчи субъектларнинг ушбу кредиторлар йиғилишига ўз ишончли вакилингизни ишонч хатлари ва шахсини тасдиқловчи ҳужжат ҳамда кредиторлик қарзи тўғрисидаги тегишли равишда расмийлаштирилган солиштирма далолатнома билан келишлари шарт.

Мазкур хўжалик юритувчи субъектларининг таъсис ҳужжатлари (устав, таъсис шартномаси, гувоҳнома) нинг асли, бурчак штампи ва думалоқ муҳрлари эълон чоп этилган кундан бошлаб 10 (ўн) кун ичида тугатиш бошқарувчисига топширилмаган такдирда, йўқолган деб топилиб, бекор қилинган деб ҳисобланади.

Кредиторлар қарздорларга бўлган талаблари эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида суд (тугатиш) бошқарувчига мурожаат қилишлари мумкин.

**Мурожаат учун телефон:** 97-512-18-78.

---

Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 2022 йил 14 сентябрдаги 4-1001-2210/3286-рақамли иш ажрими билан Шайхонтоҳур туманида жойлашган:

**"Billur Lizing" МЧЖ** (СТИР 302813900) вазифасидан озод қилинган тугатиш бошқарувчиси ўрнига тугатиш бошқарувчиси этиб, 1-тоифали суд бошқарувчиси Бакиров Соибжон Содиқович тайинланган.

Кредиторларнинг 2-йиғилиши 2022 йил 13 октябрь куни Шайхонтоҳур тумани, Абай кўчаси, 4-уйда Тошкент шаҳар ДСБ биносида соат 14.00 дан бошлаб бўлиб ўтади.

**Кредиторлар йиғилиши кун тартиби:**

1. Туманлараро иқтисодий судининг тегишли ажрими билан таништириш.
2. Ўтган кунлар мобайнида олиб борилган ишлар юзасидан тугатиш бошқарувчисининг ҳисоботини эшитиш ва бошқа масалалар.

Кредиторлар йиғилишида кўриб чиқиладиган материаллар билан йиғилиш давомида таништирилиб борилади. Кредиторлар йиғилиши иштирокчиларини рўйхатга олиш йиғилиш бошланишидан 30 дақиқа олдин бошланиб, 5 дақиқа қолганда тўхтатилади.

Қарздорга нисбатан талаб билдираётган кредиторлар овоз бериш ҳуқуқини берувчи ваколатномалар асосида кредиторлар йиғилишида қатнашадилар.

Ушбу хўжалик юритувчи субъектлар банкрот деб эътироф этилганлиги сабабли 5 кун муддат ичида думалоқ муҳр ва тўртбурчак тамғалари ҳамда корхонанинг низом ва гувоҳномалари корхона раҳбарлари ёки таъсисчилари томонидан суд тугатиш бошқарувчисига топширилмаса, йўқолган деб топилиб, бекор қилинган деб ҳисобланади ва дубликати ясаттирилади.

**Мурожаат учун манзил:** Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Олтин водий кўчаси, 2/17-уй, тел/телеграмм: 99-321-08-45.

---

Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 09.09.2022 йилдаги 4-1001-2207/33042-рақамли ҳал қилув қарори билан **"Luxury build group" МЧЖ** банкрот деб эълон қилинган ҳамда тугатиш бошқарувчи этиб Боликулов Беркин Холдорович тайинланган.

"Luxury build group" МЧЖнинг молия-хўжалик фаолиятини аудит текширувидан ўтказиш ва мавжуд кўчар ҳамда кўчмас мулкларини баҳолаш бўйича танлов эълон қилинади.

"Luxury build group" МЧЖнинг кредиторлар йиғилиши 2022 йил 2 ноябрь куни соат 10.00 да Яккасарой тумани, А.Қаҳҳор 9-тор кўчаси, 1-уй, 315-хонасида бўлиб ўтади ва қуйидаги масалалар кўриб чиқилади.

**Йиғилиш кун тартиби:**

1. Тугатиш бошқарувчиси томонидан корхонанинг банкротлиги бўйича тугатишга доир иш юритиш жараёнида амалга оширилаётган ишлари юзасидан ҳисоботи.
2. Кредиторлар талаблари реестрини тасдиқлаш.
3. Тугатиш режаси ва харажатлар сметасини тасдиқлаш.
4. Қарздор корхонанинг тугатиш массасини шакллантириш.
5. Кредиторлар қўмитаси аъзоларининг сони ва уларни сайлаш.
6. Жамиятнинг барча мол-мулкларини аниқлаб саноқдан ўтказиш, мавжуд бўлган мол-мулкларни баҳолатиш ва сотувга чиқаришга доир масалалар.
7. Тугатиш бошқарувчига тўланадиган иш ҳаққи миқдорини белгилаш.
8. Бошқа масаллар.

Кредиторлар томонидан билдирилган талаблар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой давомида Яккасарой тумани, А.Қаҳҳор 9-тор кўчаси, 1-уй, 315-хонаси манзилида қабул қилинади.

---

Шеробод туманлараро иқтисодий судининг 2022 йил 20 сентябрдаги ҳал қилув қарорларига асосан, **"Masha Medved"** (СТИР 305635313) **NMTM**, **"Dilmurod Aziya"** (СТИР 303488656), **"Bek-tekstil 5555"** (СТИР 308757697) **хусусий корхоналари**, **"Ziyoda Asal Jasmin"** (СТИР 304493603), **"Muhammad va Umarbek"** (СТИР 307484801), **"Imona Iroda"** (СТИР 307042464) **оилавий корхоналари**, **"Sherobod universal PRO-80"** (СТИР 305648921), **"Asia stroy invest"** (СТИР 3067782 21) **МЧЖ**лар, **"Zilol suvlari"** (СТИР 207313003) **сув истеъмолчилари уюшмаси** соддалаштирилган тартибда тўловга қобилиятсиз деб эътироф этилган ҳамда уни тугатишга доир иш юритиш бошланган, тугатиш бошқарувчиси этиб Ш.Сафаров тайинланган. Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой мобайнида қабул қилинади. Юқоридаги корхоналар бўйича 2022 йил 27 октябрь куни соат 10.00 да Шеробод тумани давлат солиқ инспекцияси биносида кредиторлар йиғилиши бўлиб ўтади ва йиғилиш иштирокчиларидан ўз ваколатларини тасдиқловчи ҳужжат ва ишончнома билан қатнашиши талаб этилади. Мазкур корхона раҳбарлари ва таъсисчилари қарздор корхона муҳр ҳамда тамғаларини 3 кун ичида топширмаган ҳолда улар бекор қилинган ҳисобланади ва қайта дубликат ясаб олинади.

**Мурожаат учун тел.:** 99-679-10-57.

---

Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 2022 йил 6 сентябрдаги 4-1001-2210/22991-рақамли ҳал қилув қарорига мувофиқ **"Maximum Business Capital" МЧЖ** (СТИР 305 822 373) соддалаштирилган таомилда тўловга қобилиятсиз деб эътироф этилган. Тугатиш ишларини амалга ошириш учун 2-тоифали суд бошқарувчи А.А. Турғунов тугатиш бошқарувчиси этиб тайинланган (33/91-494-07-00).

Юқоридаги МЧЖ кредиторларининг йиғилиши 2022 йил 20 октябрь куни соат 10.00 да Тошкент шаҳар ДСБ биносида бўлиб ўтади.

**Йиғилиш кун тартиби:**

1. Тошкент туманлараро иқтисодий судининг ҳал қилув қарори.
2. Кредиторлар талаблари реестрини тасдиқлаш.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 14 август кунги 224-рақамли қарори ижросини таъминлаш бўйича тугатиш бошқарувчисининг хулосасини тасдиқлаш.
4. Бошқа масалалар.

Кредиторлардан йиғилишда қатнашиш учун, ташкилот номидан ваколатли вакил (қарздорликни тасдиқловчи ҳужжат – солиштирма далолатнома ҳамда ваколатнома билан) қатнашишлари сўралади. Кредиторларни рўйхатга олиш 9.30 да бошланади.

"**Mironshox Trans Terminal**" МЧЖнинг аниқлаб топилган ва инвентаризациядан ўтказилган 5 дона енгил автотранспорт воситалари ва 2 дона юк ташувчи автотранспорт воситаларини бозор баҳоси ва қолдиқ баҳосини аниқлаш мақсадида баҳолаш ваколатига эга ташкилотлар ўртасида тендер эълон қилинади.

Ташкилотлар талаблари мазкур эълон чоп этилган кундан бошлаб 04.10.2022 йил санасига қадар бўлган муддатда қабул қилинади. **Маълумот учун телефон:** 93-385-00-03.

Тошкент вилояти Ўртачирчиқ туманлараро иқтисодий судининг 09.09.2020 йилдаги 4-1104-2002/716-рақамли ажримига асосан "**Monaco group**" **МЧЖ** ҳамда 4-1104-2002/715-рақамли ажримига мувофиқ "**Ruslan quruvchi fayz**" **МЧЖ**ни банкротлик ишлари якунланди. Юқоридаги ташкилотларга тегишли бўлган гувоҳномаси, устави, думалоқ муҳри ва штамплари ўз вақтида тугатиш бошқарувчисига топширилмаганлиги сабабли бекор қилинди.

---

Қорақалпоғистон Республикаси Беруний туманлараро иқтисодий судининг 2022 йил 11 январдаги 4-2302-2202/2295-рақамли ҳал қилув қарори билан "**Polat Salima**" **масъулияти чекланган жамияти**га нисбатан тугатиш жорий қилинган ва 2022 йил 19 сентябрдаги 4-2302-2202/2295-рақамли ажрими билан тугатиш бошқарувчиси алмаштирилиб, тугатиш бошқарувчи этиб Ҳ.Э. Эгамберганов тайинланади.

Ушбу муносабат билан талаблар эълон чиққан кундан эътиборан 1 ой муддатда жамият тугатиш бошқарувчиси томонидан қабул қилинади.

**Манзил:** Хоразм вилояти, Урганч тумани, Қорамон қишлоғи, Каттабоғ маҳалласи, Шижоат кўчаси, 1-уй.

**Мурожаат учун тел.:** 97-791-77-22.

---

Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 2022 йил 26 августдаги 4-1001-2219/20746-рақамли ҳал қилув қарори билан "**Polikom AT**" **МЧЖ** банкрот деб эътироф этилиб, тугатишга доир иш юритув бошланган ва тугатиш бошқарувчиси этиб Х.Т. Тешабоев тайинланган.

Кредиторларнинг йиғилиши 2022 йил 28 октябрь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 77-уй, 303-хонада ўтказилади.

**Йиғилиш кун тартиби:**

1. Тугатиш бошқарувчисининг ҳисоботи.
2. Кредиторлар реестрини тасдиқлаш.
3. Бошқа масалалар.

Кредиторларни қайд этиш йиғилиш бошланишидан 30 дақиқа олдин бошланиб, йиғилиш бошланишидан 5 дақиқа олдин тўхтатилади.

Кредиторлар йиғилишида кўриб чиқадиган материаллар билан йиғилиш давомида таништириб борилади.

Кредиторлар талаблари эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади.

Қарздорнинг думалоқ, муҳри, штампи эълон чиққан кундан бошлаб 10 кунлик муддатда тугатиш бошқарувчисига топширилмаган тақдирда бекор қилинган деб ҳисобланади.

Йиғилишга кредиторлар ўзининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат билан ёки унинг вакили ваколатини белгиловчи ишончнома ҳамда кредиторлик қарздорликни тасдиқловчи ҳужжатлар билан қатнашишлари мумкин.

**Маълумот учун телефон:** 97-581-71-37.

---

**Уважаемые акционеры**

## АО «РСЛК «Qurilishmashlizing»!

АО «Республиканская специализированная лизинговая компания «Qurilishmashlizing», расположенная по адресу: 100170, г. Ташкент, пр. Мустакиллик, дом 105, извещает своих акционеров о том, что **в 15:00 19 октября 2022 года** (2-й этаж, зал совещаний) состоится внеочередное общее собрание акционеров.

**Повестка дня:**

1. Утверждение количественного и персонального состава счетной комиссии внеочередного общего собрания акционеров АО «РСЛК «Qurilishmashlizing».
2. Утверждение регламента внеочередного общего собрания акционеров АО «РСЛК «Qurilishmashlizing».
3. Избрание Наблюдательного совета АО «РСЛК «Qurilishmashlizing».

Начало внеочередного общего собрания акционеров АО «РСЛК «Qurilishmashlizing» в **15:00**.

Начало регистрации акционеров – **14:30**.

Дата формирования реестра для оповещения о проведении внеочередного общего собрания акционеров – **19 сентября 2022 г.**

Дата формирования реестра акционеров общества, имеющих право на участие во внеочередном общем собрании акционеров, – **13 октября 2022 года**.

При регистрации для участия в собрании представитель акционера должен иметь при себе паспорт или иной документ, удостоверяющий его личность в соответствии с законодательством Республики Узбекистан, а также надлежаще оформленную доверенность.

С информацией, подлежащей представлению акционерам при подготовке к проведению общего собрания акционеров, можно ознакомиться в офисе компании, либо необходимая информация (материалы) будет направлена по электронной почте. За дополнительной информацией, касающейся повестки дня, просим обращаться по телефону 71-268-06-30.

Адрес электронной почты: info@qml.uz

Официальный веб-сайт: www.qml.uz

---

Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 16.09.2022 йилдаги 4-1001-2220/45338-рақамли ажримига асосан, Тошкент шаҳри, Чиланзор тумани, Чорбоғ кўчаси, 1-а уйда рўйхатдан ўтган "**Toshkentgazsuvqurilishmontaj**" **УК** (СТИР 302060154)га нисбатан тўловга қобилиятсизлик иши кўзғатилган ва кузатув тамойили жорий этилган, муваққат бошқарувчи этиб С.Т. Шарипов тайинланган. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади. Кредиторларнинг биринчи йиғилиши 2022 йил 28 октябрь куни соат 15.00 да Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Хадра мавзеси, 12-а уй манзилида (бинонинг иккинчи қаватида) бўлиб ўтади. (Вакил ишончнома билан қатнашиши шарт!)

**Маълумот учун телефон:** 97-705-57-45.

---

Решением Ташкентского межрайонного экономического суда от 15.09.2022 г. по делу о неплатежеспособности №4-1001-2213/34096 **ООО** «**Transyo'lqurilish Maxsus Pudrat**» (г. Ташкент, Яшнабадский район, улица П. Махмуд, 2-й проезд, дом 26, ИНН: 303837276) признано банкротом, в отношении него начато ликвидационное производство и ликвидационным управляющим назначен судебный управляющий 2-й категории Кодиров Гайрат Хайдарович.

Требования кредиторов принимаются в течение одного месяца от даты публикации настоящего объявления по адресу: 100093, г.Ташкент, о/с-93, а/я 10534. Справки по телефонам: 90-347-59-68, 94-628-40-07.

---

Андижон вилояти Асака туманлараро иқтисодий судининг 2022 йил 20 сентябрь кунги ҳал қилув қарорларига асосан қуйида номлари келтирилган 8 та юридик ташкилотлар соддалаштирилган тартибда тўловга қобилиятсиз деб эътироф этилган ва уларни тугатишга доир иш юритиш белгиланган, тугатиш бошқарувчиси этиб 1-тоифали суд бошқарувчиси А.Батиров тайинланган.

